Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 21 август, № 170 (9341) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАЙЛИК!

АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАШАББУСЛАР

Президент Шавкат Мирзиёев 20 август куни Хоразм вилояти мисолида мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тақдимоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятига ташрифи чоғида ҳудудни камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш бўйича қатор топшириқлар берилган эди.

Тақдимотда ушбу топшириқлар ижросини ҳар бир маҳалла кесимида таъминлаш, мавжуд имкониятларни аниқ лойиҳалар ва барқарор иш ўринларига айлантириш бўйича ишлаб чиқилган режалар кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда 162 минг нафар аҳолининг даромади оширилди, 29 минг киши доимий ишга жойлаштирилиб, 37 минг нафар фуқаронинг норасмий бандлиги қонунийлаштирилди.

Кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш доирасида 28,9 мингта оиладаги 126,6 минг нафар аҳолига 40 мингдан зиёд хизматлар кўрсатилди. Жумладан, 12,4 минг киши доимий ишга жойлаштирилди, 23,6 минг нафари тадбиркорликка жалб қилинди, 3,3 минг кишига молиявий кўмак кўрсатилиб, 1,1 минг нафари касб-ҳунарга ўқитилди.

Натижада йил бошидан “Ижтимоий реестр”га киритилган 29 мингта оиладаги 127 минг нафар аҳолининг расмий даромади ва моддий аҳволи яхшиланди. Ушбу оилалар камбағалликдан чиқарилди. Вилоятда камбағаллик даражаси йил бошидаги 6,7 фоиздан 3,9 фоизга пасайди.

Айни пайтда вилоятда 39 минг нафар ишсиз фуқаро бор, 102 минг киши меҳнат миграциясида.

Бандлик соҳасидаги асосий масалалардан бири мавжуд вакансиялар билан иш изловчиларнинг касбий тайёргарлиги ўртасидаги тафовут экани қайд этилди. Айни пайтда 50 мингдан зиёд вакансиялар мавжуд бўлса-да, зарур малакага эга кадрлар етишмаслиги сабабли уларнинг бир қисми бўш қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари касб-ҳунарга ўқитиш тизимини қайта кўриб чиқиш ва уни меҳнат бозори эҳтиёжлари билан узвий боғлаш зарурлигини таъкидлади.

Ўтказилган сўровларда олий таълим муассасалари талабаларининг 63 фоизи ўқиш жараёнида етарли амалий кўникмаларни эгалламаётганини қайд этган. Шу боис ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида амалий тайёргарликни кучайтириш, олий таълим ташкилотларининг мавжуд имкониятларидан касбга ўргатишда кенг фойдаланиш вазифаси қўйилди. Университетларда куннинг иккинчи ярмида талабаларнинг касбий ва амалий кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган машғулотларни ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Камбағалликни қисқартириш бўйича ишларни янгича ташкил этиш, одамларнинг меҳнат ва тадбиркорликка муносабатини ўзгартириш, шунингдек, уларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини рағбатлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш мақсадларига жами 6,4 триллион сўм йўналтирилди. Тижорат банкларининг 2,1 триллион сўмлик ресурслари ҳисобидан маҳаллалардаги лойиҳаларга 1,5 триллион сўм кредит ажратилди. Шу тариқа вилоятдаги барча маҳаллалар молиявий ресурслар билан қамраб олинди.

Президентимиз банкларнинг ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришдаги амалий ҳиссаси маҳаллалардаги натижаларда кўриниши кераклигини таъкидлади. Банклар ҳудудлардаги имконият ва ташаббусларни аниқ бизнес лойиҳаларига айлантирадиган “лойиҳалар фабрикаси” бўлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, “маҳалла еттилиги” ва маҳалла банкирлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг ишини аниқ натижадорлик кўрсаткичлари асосида баҳолаш масалаларига эътибор қаратилди. Камбағалликни қисқартиришда уларнинг вазифалари, иш усуллари ва масъулият доирасини белгилаш бўйича янги механизмларни ишлаб чиқиш топширилди.

Тақдимотда йил якунига қадар 18 мингта кам таъминланган оиладаги 81 минг нафар аҳолини камбағалликдан чиқариш ва 39 минг нафар ишсиз фуқаро доимий иш билан таъминлаш режалари баён қилинди.

— Булар оддий рақамлар эмас. Ҳар бир инсонга алоҳида ёндашиб, унинг имкониятларини яхши билишимиз, шундан келиб чиқиб муносиб иш топиб беришимиз керак, — деди Президентимиз.

Бунинг учун саноат, хизмат кўрсатиш, туризм, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларидаги инвестиция лойиҳалари ишга солинади. Микросаноат марказларида 250 та янги корхона ташкил этилиб, маҳалла банкирлари иштирокидаги лойиҳалар кенгайтирилади, иш ўринлари яратиш ва тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш чоралари кўрилади.

Паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик, мебель ишлаб чиқариш, иссиқхона хўжалиги ва ўсимликчилик йўналишларида 36 та кооперация ташкил этилиб, уларга 201 та маҳалладаги 15,8 мингта кам таъминланган оила жалб қилинади.

Шунингдек, 12 та таянч ва 38 та ёндош маҳаллада 70 та “локомотив” лойиҳа амалга оширилиб, 1,1 мингта иш ўрни яратилади. Тадбиркорлик лойиҳалари учун 650 миллиард сўм ажратилиб, 2,5 мингта микролойиҳа рўёбга чиқарилади.

Янгиариқ туманидаги Шихбоғи маҳалласини таянч маҳалла сифатида ривожлантириш режаси ҳам муҳокама марказида бўлди. У билан бирга Қармиш, Шеробод ва Каттабоғ маҳаллалари қамраб олинади. Ушбу маҳаллаларда жами 18,2 минг нафар аҳоли истиқомат қилади, 319 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда.

Таянч ва унга туташ маҳаллаларда саноат зонаси, микросаноат маркази, замонавий бозор ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш, интенсив боғ барпо қилиш, чорвачилик ва паррандачилик мажмуаларини ишга тушириш мўлжалланган. Шунингдек, ички йўллар, пиёдалар йўлаги, электр ва сув таъминоти инфратузилмаси яхшиланади.

Хорижий консалтинг ташкилотлари иштирокида мазкур ҳудудни ривожлантиришнинг мастер режаси ишлаб чиқилиб, маҳаллий лойиҳачиларнинг малакаси оширилади. Мазкур чоралар орқали 1,5 мингта барқарор иш ўрни яратиш, аҳоли даромадини 20 — 30 фоизга ошириш ҳамда ҳудудни камбағаллик ва ишсизликдан холи қилиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари эҳтиёжманд аҳоли қатламлари билан ишлашнинг амалдаги механизмлари ва методологиясини тўлиқ қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Мамлакатимизда камбағалликка қарши курашиш сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш бўйича таклифлар тайёрлаш ҳамда уларни алоҳида видеоселектор йиғилишида муҳокама қилиш белгиланди.

ЎзА.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Бугун юртимизнинг барча гўшаларида байрам шукуҳи, ўзгача кўтаринкилик ва шодиёна нафаси кезиб юрибди. Зеро, халқимиз жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигини катта қувонч ва фахр-ифтихор билан кутиб олмоқда. Бу қутлуғ сана ҳар бир юртдошимиз қалбида ўзига хос ҳаяжон, шукроналик ва Ватанга дахлдорлик туйғуларини уйғотмоқда.

Мен учун эса бу йилги байрамнинг қувончи янада ўзгача — кўнглимда икки карра шодлик, икки карра ҳаяжон. Чунки бу йил нафақат она Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигини, балки мен туғилиб-ўсган, болалигим ва ёшлик йилларим, умримнинг энг унутилмас лаҳзалари кечган азиз масканим — Бекобод туманининг 100 йиллик юбилейини ҳам нишонлаяпмиз. Асрга тенг бу тарих замирида аждодлар тақдири, не-не синов ва машаққатлар, бунёдкорлик ва фидойилик, қувончли кунлару унутилмас воқеалар мужассам. Бугун туман ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди.

БЕКОБОД ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЁРҚИН САҲИФАЛАРИ

Асосий марра — камбағалликка барҳам бериш

Сўнгги ўн йилликда мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар Бекобод ҳаётида ҳам ўзининг амалий ифодасини топди. Айниқса, охирги бир ярим йилда туманнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, иш ўринлари яратиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ хўжалигида самарадорликни таъминлаш борасида ишлар изчил амалга оширилди. Ҳудуд чин маънода ишлаб чиқариш, қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан туманни, аввало, ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган эди. Халқчил қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йили халқ депутатлари туман Кенгаши ва барча фаолларга туман ҳокими номидан мурожаат йўлланиб, унда Бекобод туманида барча жабҳадаги ишларни янги сифат босқичига олиб чиқиш учун “Долзарб 14 ойлик” сафарбарлик эълон қилинди.

Таққослаш учун: ўтган йил бошида туманда ишсизлик даражаси 5,9 фоизни, камбағаллик эса 9,8 фоизни ташкил этган. Барча ресурс ва имкониятларни ишга солиш натижасида 2025 йил якуни билан туманда ишсизлик 4,4 фоизга туширилди. Камбағаллик даражаси эса бир йил олдинги салкам 10 фоиздан 3,8 фоизга тушди.

Бундай ижобий ўзгаришларни изчил давом эттириш учун жорий йилда жами ресурслар ҳисобидан қарийб 34 мингта иш ўрни яратилиб, 1700 та оила камбағалликдан чиқарилиши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Яъни

Президентимизнинг туманга кўрсатаётган юксак ишонч ва меҳр-эътиборларига муносиб жавоб сифатида шу йил якунигача туманда ишсизлик ва камбағалликка бутунлай барҳам бериш асосий марра сифатида белгиланиб, барча амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

3

Рақамли муҳитда инсон ҳуқуқлари муҳофазаси

Рақамли трансформация бугун давлат ва жамият ҳаётида янги имкониятлар яратибгина қолмай, инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ устувор вазифаларни ҳам кун тартибига олиб чиқмоқда.

Анжуман

Тошкент шаҳрида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ташаббуси билан БМТ Тараққиёт дастури, ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамда Конрад Аденауэр жамғармаси ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилган “Рақамли трансформация шароитида инсон ҳуқуқлари: замонавий ёндашувлар” мавзуидаги халқаро конференцияда айни масалалар хусусида фикрлашилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирда парламент аъзолари, ўнлаб давлатларнинг омбудсманлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва халқаро ташкилотлар ходимлари, давлат ва жамоат бирлашмалари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этди.

Халқаро конференцияни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева кириш сўзи билан очди.

Сенат Раиси шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишда масъулиятни таъминлаш, интернет муҳитида камситиш ва зўравонликнинг олдини олиш, рақамли хизматлардан тенг фойдаланиш имкониятларини яратиш муҳим эканини қайд этди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани, бу борада парламент ва Омбудсман институти ўртасидаги ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эгалиги таъкидланди.

Анжуман иши учта тематик сессия доирасида давом этди. Уларда рақамли муҳитда хотин-қизлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, кибербуллинг ҳамда онлайн зўравонликнинг олдини олиш, шахсий маълумотлар муҳофазаси ва ногиронлиги бўлган шахслар учун инклюзив рақамли хизматларни ривожлантириш масалалари муҳокамадан ўтказилди.

Шунингдек, рақамли технологиялар ва сунъий интеллектдан фойдаланишда инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашувни кучайтириш, рақамли инклюзивликни таъминлаш ҳамда бу жараёнда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий институтларининг ролини ошириш муҳимлигига урғу берилди.

Конференция доирасида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг миллий ва халқаро ҳамкорлар билан ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Тадбир якунида рақамли трансформация шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, рақамли инклюзияни кенгайтириш ҳамда рақамли муҳитда инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган умумий ёндашувлар акс этган Тошкент декларацияси қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МАҲАЛЛА — ИСЛОҲОТЛАР ОСТОНАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси томонидан “Маҳалла — Янги Ўзбекистон ислоҳотларининг остонаси” мавзуида конференция ўтказилди. Унда депутатлар, давлат органлари ва идоралари раҳбарлари, маҳалла тизими вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари, олимлар, экспертлар, ёш тадқиқотчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида, айниқса, охирги ўн йилда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида маҳалла институтининг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ва жамият ҳаётидаги ўрни мутлақо янги босқичга кўтарилди. Бугун маҳалла давлат ва жамият ўртасидаги ишончли мулоқот майдони, аҳоли муаммоларини жойида ҳал қилиш, ижтимоий адолатни таъминлаш, оилалар фаровонлигини мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг энг муҳим бўғини сифатида фаолият юритмоқда.

Жорий йилнинг юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши маҳалла институтининг янада мустақил ва халқчил тузилмага, жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айланишига, унинг жамиятдаги нуфузи ва роли янада кучайишига хизмат қилди. Президентимизнинг 2026 йил 24 июндаги “Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эса маҳалла тизимини янада такомиллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

“Маҳалла еттилиги” тизими жорий қилиниб кредит, субсидия, компенсация, моддий ёрдам ажратиш каби 100 дан зиёд хизматлар маҳалла даражасига туширилгани, раисларнинг ваколат муддати 3 йилдан 5 йилга узайтирилиб, вертикал тизим яратилгани маҳаллани аҳолига энг яқин ва натижа учун жавоб берадиган бошқарув бўғинига айлантиришга хизмат қилмоқда.

Конференция иштирокчилари Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллиги мамлакатимиз тараққиётининг муҳим тарихий босқичи сифатида Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида эришилган натижаларни таҳлил қилиш, мавжуд тажрибани умумлаштириш ҳамда келгуси вазифаларни белгилаб олиш учун катта имконият эканини қайд этди.

2

Мустақиллигимизнинг 35 йиллигига

ЮРТИМИЗ РАВНАҚИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 35 йиллиги “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратайлик!” деган бош ғоя асосида нишонланаётгани бежиз эмас. Зеро, Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлик руҳи, аввало, халқимиз бирдамлиги, тинчлиги ва келажакка бўлган мустаҳкам ишончига таянади.

Мамлакатимизда сўнгги ўн йилликда инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор мезонларидан бирига айланди. Амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятида ҳам инсон манфаатларини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Айниқса, Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда таълим масаласига давлат тараққиётининг ҳал қилувчи омили сифатида қаралаётгани алоҳида аҳамиятга эга. Чунки замонавий дунёда мамлакатнинг куч-қудрати билимли, кенг тафаккурли, замонавий касб ва технологияларни пухта эгаллаган инсон капитали билан ўлчанади. Шу боис таълимнинг мактабгача бўлган босқичидан бошлаб мактаб, профессионал ва олий таълимгача бўлган барча бўғинларини сифат жиҳатдан янгилашга қаратилган тизимли ишлар олиб бориляпти. Ўқув дастурлари халқаро тажрибалар асосида яратилиб, таълим муассасалари замонавий жиҳозлар билан таъминланяпти. Педагогларнинг касбий маҳоратини ошириш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва жамиятдаги нуфузини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу ўзгаришларнинг барчаси замирида битта ҳаётий ҳақиқат мужассам: Янги Ўзбекистоннинг келажаги сифатли таълим, мустаҳкам билим ва юксак салоҳиятли авлодга таянади.

Таълимдаги ислоҳотларнинг бош мақсади — ёшларни шунчаки дипломли мутахассис эмас, балки мустақил фикрлайдиган, олган билимини амалиётда қўллай оладиган, замонавий дунё талабларига жавоб берадиган, халқаро майдонда рақобатбардош кадрлар этиб тарбиялаш. Педагогларни тайёрлаш тизимининг такомиллаштирилаётгани, таълим дастурларининг илғор хорижий тажрибага мослаштирилаётгани, профессор-ўқитувчиларнинг нуфузли хорижий таълим ва илмий марказларда малака оширишига кенг имкониятлар яратилгани ҳам ушбу мақсадни рўёбга чиқаришга қаратилган.

2

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2026 йил 21 август

КУН ТАРТИБИДА – ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Кеча Олий Мажлис Сенатида қатор муҳим учрашувлар бўлиб ўтди.

Дастлаб Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ерали Туғжанов билан учрашди.

Учрашув

Мулоқот давомида икки томонлама кўп қиррали шерикликка доир, жумладан, парламентлараро ҳамкорлик, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш каби кенг доирадаги масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги яқин қўшничилик, қардошлик алоқалари икки давлат раҳбарларининг дўстона муносабатлари туфайли кенгайиб бораётгани алоҳида эътироф этилди.

Хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик изчил ривожланаётгани урғуланди. Қонун ижодкорлиги, парламент назорати, ҳудудий Кенгашлар билан ишлаш, Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш, коррупцияга қарши курашиш, гендер тенгликни таъминлаш каби йўналишларда тажриба алмашишни давом эттириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, Қозоғистонда амалга оширилган конституциявий ислоҳот ва янги парламент модели юзасидан ҳам фикр алмашилди. 2026 йил 1 июлдан кучга кирган янги Конституцияга мувофиқ Қозоғистон парламенти бир палатали Қурултой шаклида фаолият юритиши, унинг илк сайлови эса 23 август куни ўтказилиши қайд этилди.

Шунингдек, Сенат Раиси Танзила Норбоева ҳамда Озарбайжоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Рашад Мамедов ўртасида самимий мулоқот бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларининг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Давлатлар раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари иттифоқчилик даражасига кўтарилгани таъкидланди. Мамлакатларимиз ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, ҳудудлараро ва гуманитар алоқалар изчил ривожланаётгани қайд этилди.

Икки мамлакат парламент аъзолари ўртасидаги алоқалар фаоллашгани, қўмиталар ва парламентлараро гуруҳлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланди.

Қонун ижодкорлиги ва парламент назорати бўйича тажриба алмашиш, халқаро парламент майдонларида ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш лозимлигига ҳам эътибор қаратилди.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

Сенат қўмитасида

Ишлаб чиқариш маданиятини ривожлантириш – стратегик вазифа

Барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш маданиятини шакллантириш нафақат экологик, балки иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга стратегик вазифага айланиб бормоқда. Хусусан, Барқарор ривожланиш мақсадларининг 12-мақсади ҳам камроқ ресурс сарфлаб, кўпроқ ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, табиий бойликларни асраш, чиқиндиларни камайтириш, қайта ишлашни кенгайтириш ва истеъмолчининг экологик масъулиятини оширишдан иборат.

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан “Барқарор ривожланиш мақсадлари ойлиги” доирасида ўтказилган “Барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш маданиятини ривожлантиришнинг долзарб масалалари” мавзуидаги давра суҳбатида айни масалалар муҳокама марказида бўлди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда масъулиятли истеъмол ва ишлаб чиқариш моделларини жорий этиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда экологик барқарорликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, ресурс ва энергияни тежаш, чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш, уларни қайта ишлаш ва такрорий фойдаланишни кенгайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига экологик тоза технологияларни жорий этиш ҳамда аҳоли ўртасида масъулиятли истеъмол маданиятини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Барқарор истеъмол ва ишлаб чиқариш нафақат экологик барқарорлик, балки иқтисодий самарадорлик ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили экани қайд этилди.

Тадбирда экологик тоза технологияларни жорий этиш, сув ва энергия тежамкорлигини ошириш, чиқиндиларни қайта ишлашни ривожлантириш, шунингдек, аҳоли ўртасида масъулиятли истеъмол кўникмаларини кенг тарғиб қилиш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар берилди.

Давра суҳбати

Жамият ва давлат бошқарувида аёлларнинг ўрни ҳамда масъулияти

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги фаоллигини ошириш, таълим олиши ҳамда касбий салоҳиятини рўёбга чиқариши учун яратилаётган имкониятлар чегара билмайди.

Айни шу масалалар атрофида фикрлашиш учун давлатимиз мустақиллигининг 35 йиллиги муносабати билан “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясида “Янги Ўзбекистонда аёлларнинг ўрни ва масъулияти” мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Малика Қодирхонова қатнашди ҳамда хотин-қизларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, замонавий касбларни эгаллаши, меҳнат бозорида муносиб ўрин топиши ҳамда ўз салоҳиятини тўлақонли намоён этиши учун яратилаётган имкониятлар, бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритди.

Шунингдек, тадбирда иштирокчилар учун “Ўзбекистонда оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш — давлат сиёсатининг устувор йўналиши” ҳамда “Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари” мавзулари бўйича тренинглар ҳам ўтказилди.

Давра суҳбати якунида хотин-қизларнинг меҳнат ва ижтимоий фаоллигини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий салоҳиятини ривожлантириш ҳамда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган қатор таклифлар илгари сурилди.

Сенаторлар — ҳудудларда

Замонавий қиёфа касб этаётган масканлар

“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” дастури, аввало, аҳоли учун реал қулайликлар яратиш ва ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилиш мақсадида йўлга қўйилган. Ва айтиш жоизки, дастур доирасида ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, ишлар сифатли ва ўз вақтида бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатиш ҳам муҳим масалалардан. Шу маънода, Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудларда ўрганишлар олиб бормоқда. Жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, объектларни сифатли барпо этиш ҳамда белгиланган муддатларга қатъий риоя қилиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларининг амалий ижросини атрофлича ўрганди.

Хусусан, “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” дастури доирасида Янгиқурилиш маҳалласидаги ишларни кўздан кечирди.

Маҳаллада 652 та хонадон бўлиб, уларда 4,5 мингдан ортиқ кишилар яшайди. Лойиҳа доирасида 4,5 км. йўлни асфальтлаш, 1,6 км. пиёдалар йўлакчасини барпо этиш, 3,5 км. ичимлик суви тармоғини тортиш белгиланган. Шунингдек, электр таъминотини яхшилаш мақсадида 370 та бетон устун ўрнатиш ва 1,5 км. ёпиқ кабель тармоғини ётқизиш режалаштирилган.

Айни пайтга қадар 1 км. йўл асфальтланган, 1 км. ичимлик суви тармоғи тортилган. 150 та бетон устун ўрнатилиб, 600 метр ҳаво тармоғи тортилган.

Маҳаллий тадбиркорлар томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида барпо этилаётган 24 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчасида қурилиш-монтаж ишлари 90 фоизга етказилган.

Сенатор мазкур дастур доирасида Қизилтепа маҳалласида амалга оширилаётган ишларни ҳам ўрганди. 3,1 мингдан зиёд кишилар истиқомат қиладиган маҳаллада айни пайтда Дўстлик кўчасининг 1,5 км.лик қисмини асфальтлаш давом этмоқда. Маҳаллий тадбиркорлар ташаббуси билан ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва спортни оммалаштириш мақсадида замонавий футбол майдончаси ҳам фойдаланишга топширилган.

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Баҳром Абдуллаев маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар, инфратузилма объектларининг ҳолати ҳамда аҳоли мурожаатлари билан ишлаш услубини кузатиш мақсадида Самарқанд вилоятининг Оқдарё ва Ургут туманларида бўлди.

Хусусан, Оқдарё туманининг Гўзалкент маҳалласида мавжуд муаммолар, ободонлаштириш ва “Долзарб 40 кунлик” тадбирлари доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳолати кўздан кечирилди.

Маҳалла биносини замонавий талаблар асосида қайта қуриш ва реконструкция қилиш, унинг атрофида замонавий маҳалла гузари ташкил этиш масалаларига эътибор қаратилди. Жараёнда ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, яшил майдонлар, пиёдалар йўлаклари ҳамда аҳоли дам олиши учун қулай масканлар яратиш бўйича таклифлар билдирилди.

Ўз навбатида, маҳалла аҳолиси, фаоллар ва нуронийлар билан очиқ мулоқот ўтказилди. Унда ички йўлларни таъмирлаш, тунги ёритиш тизимини яхшилаш, ичимлик суви ва электр таъминотини барқарорлаштириш, ҳудудни кўкаламзорлаштириш ҳамда санитария ҳолатини яхшилаш бўйича таклифлар тингланди. Аҳоли мурожаатлари умумлаштирилиб, аниқланган муаммоларни тегишли ташкилотлар иштирокида босқичма-босқич ҳал этиш ҳамда амалга оширилаётган ишлар ижросини депутатлик назорати асосида мониторинг қилиб бориш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Ургут туманининг Мустақиллик маҳалласида ҳам фуқаролар билан учрашув ташкил этилди. Унда “Долзарб 40 кунлик” доирасидаги ишлар, аҳолини қийнаётган муаммолар ўрганилиб, фуқароларнинг мурожаатларига қулоқ тутилди. Аниқланган масалаларни ҳал этиш юзасидан тегишли чоралар белгилаб олинди. Ўз навбатида, фуқароларга Сенат томонидан маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти юзасидан тушунтириш берилди.

Тумандаги ўрганишлар давомида инфратузилма ва ижтимоий соҳа объектларида амалга оширилаётган ишлар ҳам эътибордан четда қолмади. Жумладан, Бинокор маҳалласида қурилаётган 660 ўринли янги мактабда қурилиш деярли якунлангани, айни пайтда ташқи фасадни бўяш, ички пардозлаш ва пол ётқизиш давом этмоқда.

Чорраҳа маҳалласида эса барпо қилинаётган таълим даргоҳининг ҳолати ўрганилди, бино деразалари ўрнатилгани, ташқи фасадни тайёрлаш ва томини ёпиш ишлари жадал олиб борилаётгани эътиборга молик. Масъулларга қурилишни белгиланган муддатларда ва сифатли якунлаш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

МАҲАЛЛА — ИСЛОҲОТЛАР ОСТОНАСИ

1 Бу борада маҳалланинг имкониятларини янада кенгайтириш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва аҳоли билан ишлашнинг замонавий усулларини жорий этиш долзарб масалалардан бири эканлиги таъкидланди.

Тадбир давомида маҳаллаларда ижтимоий ҳимоя, камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоатчилик назорати, рақамли бошқарув ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган маърузалар тингланди.

Шунингдек, маҳаллалар фаолиятига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, давлат хизматларини аҳолига янада яқинлаштириш, мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш ва маҳалланинг ташаббускорлик салоҳиятини кучайтириш бўйича амалий таклифлар билдирилди.

Конференция якунида маҳалла институтини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий ва институционал асосларини янада такомиллаштириш, давлат органлари, маҳалла ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

БАРҚАРОР ШАҲАРЛАР — ФАРОВОН ВА ХАВФСИЗ ҲАЁТ АСОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси томонидан “Барқарор ривожланиш мақсадлари ойлиги” доирасида “Барқарор шаҳарлар ва хавфсиз аҳоли яшаш муҳитини шакллантириш” мавзуида конференция ўтказилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Барқарор ривожланиш мақсадлари белгиланган шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг очиқлиги, хавфсизлиги ва экологик барқарорлигини таъминлашга қаратилган 11-мақсадни рўёбга чиқариш учун 2025 йилда Давлат бюджетидан 31 трлн. сўмдан ортиқ маблағ сарфланган бўлиб, бу бюджет харажатларининг 8,1 фоизини ташкил этди.

“Яшил” шаҳар ва экологик муҳитни шакллантириш барқарор ривожланишнинг муҳим шартларидан бири бўлиб, мамлакатимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахтзорлар, боғлар, хиёбонлар, яшил йўлаклар ва “яшил белбоғ”ларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса ҳаводаги чанг-тўзон миқдорини камайтириш, шаҳар микроиқлимини яхшилаш, ёзги иссиқликни пасайтириш ва аҳоли учун қулай дам олиш муҳитини яратишга хизмат қилаётир.

Шаҳарлар бош режалари ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини тузишда мажбурий тартибда ҳудуднинг камида 30 фоиз қисмини яшил майдонлар (парклар, сайр йўлаклари, боғлар) сифатида лойиҳалаш талаби жорий этилди.

Шу билан бирга, охирги 8 йилда ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш инфратузилмасини ривожлантириш учун 20 трлн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган. Ушбу маблағлар ҳисобидан 36 минг километрдан ортиқ ичимлик ва оқова сув тармоқлари тортилган, 3,5 мингдан зиёд иншоотлар қурилган ва реконструкция қилинган.

Натижада аҳолининг марказлаштирилган ичимлик суви таъминоти билан қамров даражаси 63 фоиздан 82,8 фоизга етказилган. 5,6 млн. нафар киши илк бор марказлаштирилган ичимлик суви билан таъминланиб, 13,9 млн. нафар аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланган.

Конференцияда шаҳарларда транспорт тизимини барқарор ривожлантириш, жамоат транспорти жозибадорлигини ошириш, пиёдалар ва велосипедлар учун қулай инфратузилма яратиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда республикада жамоат транспорти соҳасида муайян ишлар амалга оширилди. Барча ҳудудий марказларда транспорт мастер режалари ишлаб чиқилиб, маҳаллий Кенгашлар томонидан тасдиқланди. Ушбу режалар асосида йўловчи оқимлари ўрганилиб Тошкент шаҳрида 170 та, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида 248 та янги йўналиш тармоғи шакллантирилган.

2023 — 2025 йилларда 2 651 та замонавий автобус, жумладан, 646 та электробус харид қилиниб, йўналишларга жойлаштирилган. Жорий йилнинг январь — август ойларида эса 552 та автобус, жумладан, 75 та электробус ҳаракат таркиби янгиланган.

Бугунги кунда республика бўйича жамоат транспорти йўналишлари сони 3 370 тага етди. Ушбу йўналишлар орқали 9 331 та маҳалла фуқаролар йиғини қамраб олинган бўлиб, жамоат транспорти қамрови 98,8 фоизни ташкил этмоқда.

Тадбирда аҳоли сонининг ортиши, урбанизациянинг тезлашиши, иқлим ўзгариши ва экологик муаммолар шаҳарларни барқарор ривожлантиришни муҳим вазифага айлантираётгани таъкидланди. Хавфсиз, қулай, экологик тоза, энергосамарадор ва иқлим ўзгаришларига чидамли яшаш муҳитини яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётгани урғуланди.

Муҳокама якунида шаҳарларни барқарор ривожлантириш бўйича қатор амалий таклифлар илгари сурилди. Хусусан, энергия самарадорлиги талабларини босқичма-босқич кучайтириш, “яшил” маҳаллалар ташкил этиш, мавжуд кўп қаватли уйлар ва ижтимоий объектларнинг энерготежамкорлигини ошириш, “яшил” инфратузилмани равнақ топтириш, табиий хавфларни ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни зоналаштириш, пиёда ва велосипед йўлакларини комплекс ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ЮРТИМИЗ РАВНАҚИНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

1 Бунинг натижасини олий таълим тизимидаги ўзгаришларда яққол кўриш мумкин. Мамлакатимизда ушбу тизим нафақат қамров, балки таълим сифати борасида ҳам мисли кўрилмаган кўрсаткичларни қайд этди. Буни статистик маълумотлар ҳам яққол тасдиқлайди. 2016 йилга қадар мамлакатимизда бор-йўғи 77 та олий таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, олиб борилган изчил сиёсат натижасида 2026/2027 ўқув йили бошига келиб уларнинг сони 200 дан ошди. Уларнинг аксариятида таълим жараёнларини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, нуфузли хорижий университетлар билан ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, яқинда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университети ҳамда Хитойнинг Ляонин педагогика университети ҳамкорлигида амалга оширилган лойиҳа доирасида янги таълим мажмуаси барпо этилди. Президентимиз Хоразм вилоятига ташрифи давомида ушбу университетнинг Ўзбекистондаги филиали фаолияти билан яқиндан танишди. Бу ерда таълим кундузги ва масофавий шаклларда, ўзбек, хитой ва инглиз тилларида олиб борилади.

Умуман, турли форматдаги таълим имкониятларининг кенгайиши, хорижий университетлар билан қўшма дастурларнинг йўлга қўйилиши, ўқитиш жараёнлари дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари тажрибаси асосида такомиллаштирилиши ёшлар учун мутлақо янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар ўз натижасини бериб, мамлакатимиз олий ўқув юртлари дунё рейтингларида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда. Хусусан, “Times Higher Education” халқаро рейтинг агентлиги “THE Sustainability Impact Ratings-2026” натижаларини эълон қилди. Бу йилги рейтингга Ўзбекистоннинг 50 та олий таълим ташкилоти киритилиб, улардан 24 таси дунёнинг энг яхши 1000 та университети қаторидан жой олди.

Шунингдек, Ўзбекистон университетлари Барқарор ривожланиш мақсадларининг алоҳида йўналишлари бўйича ҳам юқори ўринларни эгаллади. Хусусан, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети “Гендер тенглик” йўналишида дунёда 8-ўринни эгаллади. Тошкент давлат техника университети “Арзон ва тоза энергия” йўналишида 5-ўрин, Фарғона политехника институти эса шу йўналишда 6-ўринни қайд этди.

Юртимиз аҳолисининг 22 миллиондан зиёдини ёшлар ташкил қилади. Бу улкан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий салоҳият демакдир. Сўнгги йилларда йигит-қизларимиз эришаётган ютуқлар бу ёндашувнинг амалий натижаси сифатида намоён бўлмоқда. Дунё фан олимпиадаларида қўлга киритилган олтин медаллар, жаҳоннинг энг нуфузли олий таълим муассасаларида таълим олаётган ёшлар сонининг ортиши инсон капиталига йўналтирилган сиёсатнинг самараси.

Ёшлар томонидан яратилган ўнлаб стартапларнинг АҚШ, Жанубий Корея, БАА ва Буюк Британия каби давлатлар бозорларига чиққани эса миллий ғоя ва интеллектуал маҳсулотларимиз глобал майдонга дадил кириб бораётганини кўрсатмоқда.

Энг муҳими, таълим тизимини бугунги иқтисодиёт ва меҳнат бозори эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлаш бўйича амалий қадамлар ташланяпти. Дуал таълим, амалиёт ва стажировка, илғор муҳандислик мактаблари, рақамлаштириш, сунъий интеллект, ахборот технологиялари каби йўналишларга алоҳида эътибор берилмоқда. 2026/2027 ўқув йилидан давлат олий таълим ташкилотларида сунъий интеллект ҳамда кибер-хавфсизлик, рақамли ва халқаро ҳуқуқ, қиёсий ҳуқуқшунослик, исломий молия ва давлат аудити каби замон талабларига мос янги таълим йўналишларининг очилгани ҳам уларнинг жамият ҳаётидаги ўзгаришларга ҳамоҳанг ривожланаётганини кўрсатади.

Ёшлар ҳақида сўз борар экан, келажагимиз эгаларининг имкониятларини юзага чиқаришда муҳим омил бўлган, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилгани ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Хусусан, Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида биринчи имзолаган ҳуқуқий ҳужжати — 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун эканида ҳам рамзий маъно мужассам. Ёки 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устувор вазифалар сифатида белгиланганини айтиб ўтиш мумкин.

Бугунги кунда парламент томонидан ёшларга оид 50 дан зиёд қонунчилик ҳужжатлари имзоланган ва 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилинган. Булар ёшларнинг таълим олиши, меҳнати, ижтимоий ҳимояси, тадбиркорлик билан шуғулланиши ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши учун ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Албатта, яратилаётган шароит ва имкониятлар ёшларнинг ўқиб-изланишлари учун замин ҳозирлаш билан бир қаторда уларнинг Ватан олдидаги масъулиятини ҳам оширади. Мустақиллигимизни асраб-авайлаш, юрт тинчлиги, тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш, билим ва меҳнат билан мамлакат равнақига хизмат қилиш ҳар бир ёшнинг шарафли бурчи саналади.

Шу нуқтаи назардан, таълим муассасалари олдида ёшларни фақат маълум бир касб эгаси сифатида эмас, балки юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси кучли, ўз тарихини биладиган, миллий қадриятларига ҳурмат билан қарайдиган, айни пайтда дунёдаги янгиликларга очиқ, замонавий тафаккурга эга шахслар сифатида тарбиялаш каби муҳим вазифалар турибди. Зеро, сифатли таълим ва юксак тарбия уйғунлашган жойдагина мустаҳкам келажак бунёд этилади.

Бугун ортга назар ташласак, мустақиллик халқимиз учун нақадар улкан тарихий имконият яратганини янада чуқур ҳис қиламиз. Бир вақтлар орзу бўлган кўплаб марралар бугун ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Энг муҳими, мамлакатимизда эртанги кунга ишонч билан қарайдиган, билим олишга, меҳнатда тобланишга, ўз салоҳияти ва ташаббуси билан муваффақият қозонишга интилаётган янги авлод вояга етмоқда.

Мустақиллик тинчлигимиз, эркинлигимиз, фарзандларимизнинг муносиб таълим олиши, ёшларимизнинг дунё сари дадил қадам ташлаши, халқимизнинг ўз келажагини ўзи бунёд этиш ҳуқуқидир. Унинг қадрига етиш эса ҳар биримиздан Ватан равнақи йўлида фидойилик, масъулият ва бунёдкорликни талаб қилади.

Шубҳасиз, бугун таълим олаётган, изланаётган, янги ғоялар яратиб, улкан мақсадларни кўзлаётган ёшларимиз эртага Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий таянчига айланади. Уларнинг билим ва салоҳияти, юртимиздаги тинчлик ҳамда ҳамжиҳатлик, халқимизнинг бунёдкорлик қудрати билан бирлашиб, Ўзбекистонни бундан-да юксак марралар сари етаклайди.

Баҳром АБДУЛЛАЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Тошкент шаҳридаги Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузурида Мактабгача таълимни ривожлантириш минтақавий маркази ташкил этилади.

Акс садо

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ ВА РАҒБАТЛАР

Президентимизнинг Хива шаҳрида тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқоти мамлакатимиз ишбилармонлик муҳитида янги саҳифа очган муҳим воқеа бўлди. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббус ва ғоялар тадбиркорларга янги имкониятлар эшигини очиб, уларни янада юксак марралар сари интилишга, ташаббускорлик ва фаоллик билан ҳаракат қилишга руҳлантирмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари мулоқотда илгари сурилган ташаббусларнинг аҳамияти, мамлакатда тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, ишбилармонлар ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда хусусий сектор ривожига янги сурьат бағишлашдаги ўрни юзасидан ўз муносабатларини билдирди.

ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Раҳматилло ШУКУРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Президентимизнинг Хива шаҳрида мамлакатимиз тадбиркорлари билан ўтказган олтинчи анъанавий очиқ мулоқоти нафақат бизнес ҳамжамияти, балки бутун иқтисодий ҳаётимиз учун муҳим воқеа бўлди. Унда тадбиркорликни янада ривожлантиришга қаратилган янги ташаббуслар илгари сурилди.

Аввало, тадбиркорликни барқарор ривожлантириш масаласи асосий йўналиш сифатида белгилаб берилди. Чунки эндиликда фақат янги бизнесларни ташкил этишнинг ўзи етарли эмас. Янги очилган корхона эртага ҳам ишлаши, иш ўринларини сақлаши, ишлаб чиқаришини кенгайтириши, янги бозорларга чиқиши ва энг муҳими, кичик бизнесдан ўрта, ўрта бизнесдан эса йирик корхонага айланиши керак.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда, биринчи йўналишни оддий кредит ёки имтиёзлар тўплами сифатида эмас, балки тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган ёндашувнинг янги босқичи дея баҳолаш мумкин. Гап шундаки, тадбиркорга фақат пул бериш билан бизнесни барқарор қилиб бўлмайди.

Тасаввур этайлик, бир инсонда яхши бизнес ғояси бор, меҳнат қилишга тайёр, бозорни ҳам ўрганган, аммо бизнес-режа тузишни, молиявий ҳисоб-китобларни юритишни билмайди. Ёки кредит олиш учун етарли гарови йўқ, банкка мурожаат этиш тартиблари мураккаб. Бизнесини бошлаганидан кейин эса бухгалтерия, солиқ, маркетинг, рақамли технологиялар ва бозор масалалари билан тўқнаш келади. Демак, унга фақат кредит эмас, билим, маслаҳат, технология, бозор ва кейинги босқичга ўтиш имконияти ҳам керак.

Ушбу янги ташаббуснинг энг муҳим жиҳати, тадбиркорни бир марталик молиявий ёрдам олувчи эмас, балки ўсиб бораётган бизнес эгаси сифатида қўллаб-қувватлаш тизими шакллантирилади. Шу боис янги тадбиркорлар учун “Бизнес старт”, ишлаб чиқаришини йўлга қўйганлар учун “Бизнес лифт”, кейинги ўсиш босқичига ўтаётганлар учун “Бизнес юксалиш” дастурларининг жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг ортида, аслида, тадбиркорликнинг бутун ҳаёт цикли мужассам: бизнесни бошлаш бир масала, уни оёққа қўйиш — иккинчи масала, ўстириш ва кенгайтириш эса янада мураккаб вазифа. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик сиёсатида “бир марта ёрдам бердик — вазифамиз бажарилди” деган ёндашувдан воз кечиб, “бошладик — энди уни қандай қилиб барқарор бизнесга айлантирамиз?” деган ёндашувга ўтиш давр талабидир.

Янги тизимда тадбиркорларнинг кредит олиш имкониятларини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Кредит хизматларининг ягона рақамли портали”нинг ишга туширилиши шундай имкониятлардан бири. Энди тадбиркорнинг турли банкларга бирма-бир мурожаат қилиши ўрнига ягона рақамли платформа орқали кредит таклифларини олиш имконияти яратилади. Бу вақтни тежайди, ортиқча бюрократик жараёнларни қисқартириб, банклар ўртасида рақобатни кучайтиради. Ўз навбатида, банк ҳам тадбиркор учун қулай ва рақобатбардош шартларни таклиф этишга интилади.

Янги имкониятлар орасида 200 миллион сўмгача гаровсиз кредит бериш механизми ҳам кичик бизнес учун муҳим қадамдир. Кўпинча тадбиркорликни бошлашга тайёр инсоннинг энг катта муаммоси ғоя ёки меҳнат эмас, гаров масаласи бўлади. Унинг бизнес ғояси бор, аммо банк талаб этадиган миқдорда мулки йўқ. Натижада иқтисодиёт учун керакли ташаббус амалга ошмай қолаверади. Гаровсиз кредит механизми ана шу тўсиқни камайтиришга хизмат қилади.

Яратилган имкониятларнинг амалда қандай ишлаётганини кузатиш, тадбиркорларнинг муаммоларини ўрганиш ва зарур қонунчилик ечимларини ишлаб чиқиш парламент ва депутатларнинг ҳам муҳим вазифасидир. Зеро, қарор қабул қилиш ишнинг бир қисми бўлса, унинг тадбиркор ҳаётида сезилиши ҳақиқий натижадир. Чунки битта тадбиркорнинг муваффақияти бутун иқтисодиёт учун ҳаракатлантирувчи кучга айланиши мумкин. Тадбиркорликка берилган имконият — фақат бир тадбиркорнинг эмас, бутун жамиятнинг келажагига киритилган инвестициядир.

ҲУДУДЛАРДА БИЗНЕС ИМКОНИЯТЛАРИ ОШИРИЛАДИ

Гўзал САМИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича кўплаб амалий ишлар қилинди. Натижада тадбиркорлик иқтисодиётнинг муҳим таянчига айланди.

2021 йил 23 декабрдаги қонун билан 20 август — Тадбиркорлар куни сифатида белгиланиши ва давлатимиз раҳбарининг соҳа вакиллари билан очиқ мулоқоти анъанага айлангани юртимизда бизнесга бўлган эътибор даражасини кўрсатади. Юзма-юз мулоқотлар тадбиркорлар учун муаммоларини ҳал этадиган платформага айланди.

Ҳозирги кунга қадар уюштирилган учрашувларда бизнес ривожига тўсиқ бўлаётган масалалар таҳлил қилиниб, экспорт, солиқ, кредит, инфратузилма, мажбурий ижро билан боғлиқ бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда соҳа вакилларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш бўйича мингга яқин таклиф-ташаббуслар қонун ва қарорларда ўз аксини топди.

Хива шаҳрида ўтказилган навбатдаги мулоқотга ҳам ҳар қачонгидан пухта тайёргарлик кўрилди. Хусусан, 15 майдан бошлаб 50 дан ортиқ вазирлик ва идора вакилларидан иборат 7/24 тартибида ишлайдиган республика штаби ташкил этилди. Call-марказ ва расмий ботлар орқали тадбиркорлардан келиб тушган 6 мингга яқин мурожаатларнинг 4,2 мингдан зиёди ижобий ҳал этилди.



Айтиш жоизки, Қонунчилик палатасида Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитасининг иш бошлаши ҳам тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини парламент даражасида ифода этиш, соҳадаги долзарб масалаларни тизимли равишда кўриб чиқиш, шунингдек, давлат ва бизнес ўртасидаги ҳуқуқий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Бугун қўмита аъзолари ҳудудларга чиқиб, ишлаб чиқариш корхоналари, саноат зоналари, хизмат кўрсатиш объектлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари билан бевосита учрашувлар ўтказмоқда. Қўмита эшитувлари ва муҳокамаларига тадбиркорлик субъектлари вакилларининг мунтазам жалб этилиши эса парламент ва бизнес ўртасидаги амалий ҳамкорликни кучайтирмоқда.

Тадбиркорлар билан олтинчи бор ўтказилган очиқ мулоқотда Президентимиз томонидан бизнес вакиллари кўтарган масалалар асосида янги ташаббуслар илгари сурилди. Шулардан бири ҳудудларда бизнес имкониятларини кенгайтириш ташаббусидир. Бу, аввало, жойларда тадбиркорликни ривожлантириш, янги бизнес лойиҳаларини кўпайтириш ва аҳоли учун қўшимча иш ўринлари яратишга хизмат қилади. Энг муҳими, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳудудлар иқтисодий фаоллигини оширишга замин яратади.

Давлат активини сотиб олишда аванс миқдори 30 фоиздан 15 фоизга туширилиши, олти ой давомида тўловларни тўлиқ тўлаган тадбиркорларга 25 фоиз чегирма берилиши, жами сумманинг ярмини қоплаганлар қолганини 7 йилда, фоизсиз, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилиши ҳам бизнес вакиллари учун катта енгиллик ва муносиб рағбат бўлади. Бу, ўз навбатида, тадбиркорларнинг молиявий юкини енгиллаштириб, давлат активларини сотиб олиш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини янада кенгайтиради.

Юртимизда олтинчи бор ўтказилган мулоқот кичик бизнес вакилларининг, хусусий тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини янада кенгайтириш ва ривожлантириши учун катта имкониятдир. Бу уларда дахлдорлик ҳиссини, ўзига ишончни ошириши ва катта одимлар билан ҳалол меҳнат қилишларига замин яратади. Зотан, тадбиркор қўллаб-қувватланса, иқтисодиёт юксалади.

«Халқ сўзи».

МАЪНАВИЙ УЙҒОҚЛИККА ДАЪВАТ

Самарқанд давлат университети муассислигида чоп этиладиган «Самарқандим» журналининг 2026 йилдаги 2-сони ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди.

Мамлакатимиз ва Самарқанд вилояти ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, шонли тарихимизнинг сир-синоатлари, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти, давлат ва жамоат арбоблари, турли соҳа вакиллари, ёшларнинг муносабати ўзига хос тарзда ёритилган журналнинг янги сони ҳам ўқувчилар эътиборидан четда қолмаслиги табиий.

Мутолаа

Нашрнинг илк саҳифаларида Президентимиз ташаббуси билан бошланган Самарқандни Марказий Осиёнинг “яшил” инвестициялар, инновациялар пойтахтига айлантиришни кўзда тутувчи “Green Samarkand” модели ҳақида сўз боради. Унда айтилганидек, кўҳна ва ҳамиша навқирон кентда махсус эколог-шаҳарсозлик режимини жорий этиш режалаштирилмоқда. “Яшил қурилиш” талаблари мажбурий қилиб белгиланади. 2030 йилгача жамоат транспорти ва таксилар тўлиқ электр транспортига ўтказилади. Лойиҳа бўйича 300 гектар майдонда “Green City Samarkand” барпо этилиши кўрсатилган.

Кейинги саҳифадан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Саида Мирзиёеванинг ЮНЕСКО бош директори Холид ал-Ананий билан учрашуви ҳамда унда муҳокама қилинган масалалар, уларнинг аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалар жой олган.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Грузия Бош вазири Ираклий Кобахидзенинг давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг юксак салоҳияти, беқиёс лидерлик хусусиятлари, оқилона ташқи сиёсати, узоқни теран кўра билиши ҳақидаги самимий эътирофлари ўқувчида фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади.

Кавказ мусулмонлари идораси раиси, Шайхулислом Оллоҳшукур Пошшозода, Ислом дунёси таълим, фан ва маданият ташкилоти (ICESCO) бош директори Салим бин Муҳаммад ал-Маликнинг Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган тарихий ислоҳотлар, хусусан, бой маънавий меросни тиклаш ва асраб-авайлаш, муқаддас ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини дунёга намоён этиш, ўзбек халқининг миллий ғурурини юксалтириш борасидаги оламшумул ишлар эътирофи ҳам муштарийни бефарқ қолдирмайди.

СамДУ ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Рустам Холмуродовнинг “Мустақил онг муаммоси. Президент Шавкат Мирзиёев миллатни тафаккур тутқунлигидан қутқазгани ҳақида...” сарлавҳали мақоласи алоҳида эътиборга молик. Унда давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш билан бирга халқимизни маънан уйғотиш, миллатни тафаккур қарамлигидан, қуллигидан озод қилиш борасида олиб борилаётган сиёсат ўз меваларини бераётганига урғу қаратилган. Юртимизда ўзаро мулоқот, фикрлар ранг-баранглиги, эртанги кунга ишонч муҳити қарор топгани алқанган. Зеро, бу ривожланишнинг, эзгуликларнинг, бунёдкорликнинг пойдеворидир. Муаллиф таъбири билан айтганда, миллат ёшлари онгида пайдо бўлган ватанпарварлик, миллатпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари бугун бутун дунё бўйлаб кезиб юрибди. Акс садо бермоқда.

Академик, “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби Оқил Салимовнинг “Миллатни таниш. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан барпо этилган Имом Бухорий мақбараси зиёратида кўнглимдан кечирганларим...” сарлавҳали мақоласи ҳам теран мазмун-моҳияти билан таҳсинга лойиқ. Атоқли олим унда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ғояси асосида пойтахтимизда бунёд этилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Самарқандда қад ростлаган Имом Бухорий мажмуаси маъно ва аҳамияти жиҳатидан Миллий етакчимизнинг миллатни таниш ва танитиш ғояси ифодалари эканини таъкидлайди. Муаллиф ушбу ишларнинг аҳамиятига эътибор қаратар экан, бугун дунёни мафкуравий урушлар ўз домига тортаётганини, ниҳоятда таҳликали замонда яшаётганимизни яна бир бор ёдга олади. Ана шу мураккаб даврда бизга ватанпарварлар кераклигини уқтиради. Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ишлар бу борада ғоят самарали бўлиб, чинакам тарихийдир.

Мазкур сондан жой олган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Хайриддин Султоннинг Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров ҳақидаги ёднома-эссеси, журнал бош муҳаррири Фаррух Ҳамроевнинг Туркия маданият ва туризм вазири ўринбосари, доктор Сердар Чам билан суҳбати ҳамда бошқа муаллифларнинг мақолалари, фотолавҳалар, шеърлар, таҳлилий мушоҳадалар нашр мазмун-мундарижасини бойитган.

Журналнинг янги сони ҳам ўқувчиларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

«Халқ сўзи».

БЕКОБОД ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЁРҚИН САҲИФАЛАРИ

1 Айтиш жоизки, ҳудудда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида ўтган йили умумий қиймати 670 млрд. сўмлик 2 350 та ўрта ва микролойиҳа ишга туширилиб, 2 800 дан зиёд доимий иш ўринлари яратилди. Бу йўналишда ишларни изчил давом эттириб, жорий йил якунигача жами қиймати 850 млрд. сўмлик 3 500 та лойиҳа ҳаётга татбиқ қилиниб, 4,5 мингга яқин иш ўринлари очилади.

Асрларга татигулик бунёдкорликлар

Бугун Бекобод тумани улкан бунёдкорлик майдонига айланди, бу фақат марказда эмас, ҳудуднинг барча маҳаллаларида, чекка кўчаю гузарларида ҳам ўз аксини топмоқда. Биргина 2025 йилнинг ўзида туманда бюджетдан жами 370 млрд. сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, мактаб ва боғчалар, соғлиқни сақлаш ва спорт муассасалари, маҳалла идоралари, жами 34 та ижтимоий объект қурилди ва таъмирланди.

Эзгу ишлар яна яхшиликларни бошлаб келмоқда. Жорий йилда туманда ижтимоий ва инфраструктура объектларини қуриш ҳамда хизмат кўрсатишни яхшилаш учун яна жами 450 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилди.

Ушбу маблағлар эвазига туман марказий тиббиёт бирлашмаси энг илғор ва замонавий андозалар асосида модернизация қилинмоқда, замонавий тиббий хизматлар кўрсатишни таъминлаш мақсадида ноёб ускуналар билан жиҳозланадиган қўшимча янги бино қурилмоқда.

Туманда мутлақо янги ва йирик лойиҳалар — 104 гектар ҳудудда 25 минг аҳолига мўлжалланган 280 та кўп қаватли уйдан иборат “Янги Ўзбекистон” массиви, аҳамияти жиҳатдан асрларга татигулик қиймати 265 млн. доллар бўлган Бекобод — Бўка — Пискент — Нурафшон — Тошкент тезюрар темир йўли қурилиши юқори суръатларда давом этаётганини алоҳида қувонч билан айтиб ўтиш жоиз.

Яна бир жиҳат. Шу пайтгача туманда бирорта ҳам деҳқон бозори бўлмаган. Деҳқонлар ўзлари етиштирган маҳсулотларни сотиш учун олис бозорларга қийналиб боришга, шароити йўқ жойларда савдо қилишга мажбур эди. Шу боис айни пайтда “Янги Бекобод улгуржи деҳқон бозори” қурилмоқда.

Бугунги янгиланишлар жараёнида маҳаллий Кенгашларнинг халқ вакиллик органи сифатидаги ўрни ва масъулияти ҳам тобора ортиб бормоқда. Буни, аввало, Кенгашлар фаолиятида сўнгги йилларда юз берган ўзгаришлар, депутатларнинг ташаббускорлиги ва аҳоли муаммоларини ҳал этишдаги таъсирчанлиги мисолида кўриш мумкин.

Кенгашлар фаолиятига янгича ёндашув

Тахминан ўн йил аввал маҳаллий Кенгашлар фаолиятини ташкил этиш, сессияларни тайёрлаш ва ўтказиш, кун тартибини шакллантириш, масалаларни сессия муҳокамасига киритиш ҳамда тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнларининг асосий қисми ҳокимликларнинг ташкилий-назорат гуруҳлари томонидан амалга оширилар эди. Кенгаш аппарати ва депутатларнинг мустақил фаолияти ҳали етарли даражада шаклланмагани боис, Кенгаш кўп жиҳатдан ҳокимлик тизимининг таркибий қисми сифатида фаолият юритарди. Бу эса Кенгашларнинг халқ вакиллик органи сифатидаги ролини тўлиқ намоён этишига, депутатларнинг сиёсий-ҳуқуқий масъулиятини оширишга ҳамда ҳудуддаги муаммоларга ечим топишда Кенгашнинг таъсирчанлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатган.

Сўнгги йилларда бу борада мутлақо янгича ёндашув шаклланди. 2021 йилдан маҳаллий Кенгашларда котибиятларнинг ташкил этилиши Кенгашлар ишини мустақил ва тизимли йўлга қўйишда муҳим қадам бўлди. Депутатларнинг фаоллиги ошиб, аҳоли билан ишлаш, сайловчилар мурожаатларини ўрганиш, ҳудуддаги муаммоларни Кенгаш муҳокамасига олиб чиқиш ва уларнинг ечими юзасидан амалий таклиф-лар киритиш имкониятлари кенгайди.

2026 йил 1 январдан маҳаллий Кенгаш раиси ва ижро ҳокимияти раҳбари ваколатларининг ажратилиши эса маҳаллий бошқарув тизимида янги сифат босқичини бошлаб берди. Кенгаш ва ҳокимлик ваколатларининг аниқ тақсимланиши ҳар бир томоннинг вазифаси, масъулияти ва жавобгарлигини янада ойдинлаштирди. Бу, ўз навбатида, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда очиқликни таъминлаш, жамоатчилик иштирокини кенгайтириш ва халқ манфаатларини қарорлар қабул қилиш жараёнида янада тўлиқ ифода этиш учун муҳим замин яратмоқда.

Кенгаш бугун аҳоли манфаатлари учун қайғурувчи вакиллик органи сифатида жамоатчилик фикрини эшитади, ҳудуддаги муаммоларни ўрганади, ижро органлари фаолияти устидан таъсирчан назоратни амалга оширади ва зарур таклифларни илгари суради. Ҳокимлик эса мазкур таклиф ва мурожаатларни амалий чора-тадбирлар орқали ҳаётга татбиқ этади. Шу тариқа, “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойили амалиётда ўз ифодасини топмоқда.

> *“Бугун Бекобод тумани улкан бунёдкорлик майдонига айланди, бу фақат марказда эмас, ҳудуднинг барча маҳаллаларида, чекка кўчаю гузарларида ҳам ўз аксини топмоқда. Биргина 2025 йилнинг ўзида туманда бюджетдан жами 370 млрд. сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, мактаб ва боғчалар, соғлиқни сақлаш ва спорт муассасалари, маҳалла идоралари, жами 34 та ижтимоий объект қурилди ва таъмирланди.”*

Бекобод туманида ҳам мазкур янгиланишларнинг амалий натижаларини кўриш мумкин. Хусусан, халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши депутатлари томонидан ҳудуддаги долзарб муаммоларни “2026 йилда туманни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш” дастурига киритиш мақсадида туман ҳокими номига 17 та таклиф киритилди. Уларнинг барчаси инобатга олиниб, дастурда қайд қилинди. Натижада ҳудудларда аҳолини қийнаб келаётган 17 та муаммони ҳал этиш бўйича амалий ишлар бошланди ва бугунги кунда уларнинг ижроси таъминланмоқда. Энг муҳими, бундай натижа аҳолининг давлат органларига ишончини мустаҳкамлаш билан бирга, депутатнинг сайловчилар олдидаги масъулияти ва обрўсини ҳам оширади.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2025 йил 14 январдаги қарори асосида депутатларнинг “маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликда ишлаш механизми жорий этилди. Бу тизим ҳудудлардаги муаммоларни қуйи бўғиннинг ўзида аниқлаш, уларни ўрганиш ва масъул ташкилотлар олдига аниқ вазифалар қўйиш имконини бермоқда.

Масъулият ва имконият

Жорий йил бошидан буён депутатлар томонидан аҳоли муаммоларини ўрганиш натижасида коммунал соҳа ва инфратузилмага оид 34 та, ижтимоий соҳа объектларига доир 11 та, йўл ҳаракати хавфсизлигига тааллуқли 11 та ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасига тегишли 4 та масала депутат сўровлари орқали мутасадди ташкилотлар раҳбарларига юборилди. Мазкур сўровларнинг 51 фоизи бугунги кунга қадар ижобий ҳал этилди. Қолган сўровларнинг ижроси ҳам депутатлар ва жамоатчилик назоратида турибди.

Бу рақамлар ортида эса оддий статистика эмас, балки одамларнинг кундалик ҳаётига дахлдор аниқ масалалар ва уларнинг ечими мужассам. Масалан, депутат Абдуваҳоб Холмирзаев томонидан марказий шифохонанинг болалар бўлимидаги иситиш тизимини қайта таъмирлаш юзасидан туман ҳокимига юборилган депутат сўрови ижобий ҳал қилиниб, тизим қайта йўлга қўйилди.

Депутат Ирода Қодирова томонидан Ўзбекистон маҳалласида фуқаролар йиғини учун янги бино қуриб бериш юзасидан юборилган депутат сўрови ҳам ижобий қаноатлантирилди. Натижада замонавий маҳалла идораси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Депутат Жаҳонгир Шаҳмаев томонидан Қолғонсир маҳалласи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласида Тошкент вилояти “Сув таъминоти” АЖнинг Бекобод тумани филиалига юборилган депутат сўрови асосида ҳам амалий ишлар бошланди. Дастур доирасида 16,5 километр ичимлик суви тармоғини тортиш ишлари амалга оширилмоқда.

Бугун Кенгаш фаолиятига баҳо берар эканмиз, энг муҳим ўзгаришни депутатнинг мақоми ва масъулиятида кўрамиз. Илгари депутат кўпроқ сессия иштирокчиси сифатида намоён бўлган бўлса, бугун у аҳоли билан бевосита ишлайдиган, муаммони жойига чиқиб ўрганадиган, уни Кенгаш муҳокамасига олиб чиқадиган ва ечимигача назорат қиладиган халқ вакилига айланиб бормоқда.

Шу маънода, Кенгашнинг бугунги фаолиятини кечаги ҳолат билан таққосласак, энг катта натижа — вакиллик органининг мустақиллиги, депутатларнинг ташаббускорлиги ва аҳоли олдидаги масъулияти тобора ортиб бораётгани. Бу эса, ўз навбатида, “Кенгаш — депутат — аҳоли” ўртасидаги узвий боғлиқликни мустаҳкамлаб, халқ манфаатларини ҳимоя қилишнинг янада таъсирчан механизмларини шакллантирмоқда.

Бекобод туманининг бир асрлик тараққиёт йўлига назар ташлар эканмиз, кечаги кундан бугунгача бўлган ўзгаришлар замирида, аввало, инсон меҳнати, эл-юртга садоқат ва янгиланишга интилиш мужассам эканини кўрамиз. Бир аср давомида туман ўзининг мураккаб ва синовли даврларини босиб ўтиб, бугун иқтисодий салоҳияти, замонавий инфратузилмаси, таълим ва тиббиёт тизими, тадбиркорлик ва қишлоқ хўжалигидаги имкониятлари тобора кенгайиб бораётган ҳудудга айланмоқда.

Айниқса, кейинги йиллардаги ўзгаришлар Бекободнинг келажаги учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда. Янги йўллар ва кўприклар, замонавий ижтимоий объектлар, саноат ва инвестиция лойиҳалари, янги иш ўринлари, таълим ва тиббиётдаги янгиланишлар — буларнинг барчаси бир мақсадга, яъни инсон учун муносиб ҳаёт шароитини яратишга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда маҳаллий Кенгашларнинг ҳам ўрни ва масъулияти тобора ортиб бораётир. Зеро, Кенгашнинг куч-қудрати унинг қабул қилган қарорлари сони билан эмас, балки ана шу қарорлар орқали қанча инсоннинг муаммоси ҳал этилгани, қанча оиланинг ҳаёти яхшиланган билан ўлчанади.

Аниқки, Бекобод туманининг кейинги тараққиёт босқичида ҳам асосий мезон ўзгармайди: инсон қадри, халқ манфаати ва ҳудуд фаровонлиги. Шонли тарихдан куч олиб, бугунги имкониятларга таяниб, эртанги кунга катта мақсадлар билан қадам қўяётган Бекобод олдида янада улкан вазифалар турибди. Уларни амалга оширишда Кенгаш, ҳокимлик, депутатлар, маҳалла ва энг муҳими, фаол ва ташаббускор халқнинг ҳамжиҳатлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Зеро, кеча — бизга тарих ва сабоқ, бугун — масъулият ва имконият, келажак эса биз барпо қиладиган обод ва фаровон Бекободдир. Тарихнинг янги саҳифалари ҳам ана шу эзгу мақсадлар, бунёдкорлик ва инсон қадри улуғланган ишлар билан безалаверади.

Ёқутхон МЎМИНОВА,
халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгаши раиси.

Бош прокуратура томонидан Тошкент шаҳрининг меъморий қиёфасини сақлаш, шаҳарсозлик нормаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш ва ноқонуний қурилишларга чек қўйиш мақсадида «@noqonuniy_qurilish_bot» махсус «telegram-bot» ишга туширилди.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 21 август

ТОПШИРИҚДАН ИЖРОГАЧА

ёхуд ҳудудлар юксалишида таълим ва илм-фан интеграцияси

Бугунги кунда дунёда рақобат билим, технология ва илмий ечимлар билан белгиланяпти. Қайси давлат бошқарув қарорларини далил, таҳлил ҳамда тадқиқотга асосласа, қайси ҳудуд ўз муаммоси атрофида олим, ишлаб чиқарувчи ва бошқарувчини бирлаштиролса, ўша жойда ўсиш барқарор бўлади, натижа халқ ҳаётида яққол сезилади.

Мушоҳада

Президентимиз илм-фанни мамлакат тараққиётининг драйверига айлантириш вазифасини изчил илгари суриб келаётир. Бу ёндашувда таълим ҳамда фан давлат сиёсатининг алоҳида тармоғи бўлибгина қолмай, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ва бошқарувни янгилайдиган умуммиллий куч сифатида намоён бўлмоқда.

Шу маънода, Бухорода “XIV халқаро Ибн Сино ўқишлари” доирасида ташкил этилган академиклар учрашуви давлатимиз етакчиси белгилаб берган вазифаларнинг ҳаётий ифодасига айланди, десак, айни ҳақиқат. Ушбу мулоқотда илм-фанни вилоят ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, таълим, тиббиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, туризм, маданий мерос, экология ҳамда бошқарув ечимлари билан боғлаш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори фундаментал ва амалий тадқиқотлар сифатини ошириш, “олий таълим — илм-фан — ишлаб чиқариш” интеграциясини кучайтириш, илмий ташкилотларнинг халқаро рақобатдошлигини таъминлаш ҳамда илмий натижани иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қиляпти.

Ҳужжат билан 2030 йилгача устувор илмий йўналишлар, мақсадли кўрсаткичлар ҳамда илмий ходимлар сонини босқичма-босқич ошириш режаси белгиланди. Жорий йилдан давлат илмий лойиҳаларини экспертизадан ўтказишда Фанлар академияси иштироки кучайтирилди. Фан ва саноат интеграцияси кенгашини ташкил этиш, тармоқ корхоналарида илмий ечим талаб қиладиган муаммолар портфелини шакллантириш, академия олимларининг олийгоҳларда маъруза ўқиши ҳамда магистрлик тадқиқотларига раҳбарлик вазифасини бажариши, талабаларни илмий институтлардаги тадқиқотларга жалб этиш каби механизмлар назарда тутилди.

Шу нуқтаи назардан, Бухородаги мулоқот қарорда белгиланган интеграция механизмларини ҳудуд даражасида ишга тушириш учун муҳим амалий майдон бўлди. Ташриф буюрган делегация таркибидаги профессорлар, олимлар, академиклар мамлакат илм-фанининг деярли барча муҳим йўналишларини қамраб олди.

Дастурга мувофиқ, делегация аъзолари Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида бўлиб, вилоятнинг янги маъмурий маркази ҳамда тарихий Бухоро билан танишди. Вилоят ҳокими Ботир Зарипов билан академиклар ўртасидаги мулоқотда ҳудуд муаммоларини илм воситасида ҳал этиш, илмий муассасалар ва олийгоҳлар имкониятини бир нуқтага жамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Академиклар учрашувида эса фан соҳалари кесимида қўшма тадқиқотлар, илмий мактаблар, лабораториялар, экспедициялар ҳамда ёш олимларга раҳбарлик қилишнинг аниқ механизмлари муҳокама этилиб, ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

> *Академикларнинг Бухорога ташрифининг ҳақиқий самараси имзоланган меморандумлар сони билан белгиланмайди, аксинча, бошланган қўшма лойиҳалар, ташкил этилган илмий мактаблар, ечим топган ҳудудий муаммолар ва тарбияланган ёш олимлар билан ўлчанади.*
> *Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, тараққиёт ва юксалишга фақат илм, таълим ва тарбия, китоб орқали эришиш мумкин. Ушбу ҳаётий даъват Бухорода бошланган мулоқотнинг ҳам амалий мезонидир.*

«Бир академик — бир илмий мактаб»

Бухоро давлат университетида билдирилган “Бир академик — бир илмий мактаб” таклифи учрашувнинг энг ҳаётий ғояларидан бири бўлди. Унинг моҳияти оддий ва таъсирчан, яъни академикнинг кўп йиллик тажрибаси профессор-ўқитувчига, ундан докторант ҳамда магистрга, ёш тадқиқотчидан талабага узлуксиз ўтиши керак бўлади. Шунда диссертация ҳимоядан кейин жавонда қолмайди, аксинча, у янги илмий мактаб, технология, услуб ёки бошқарув ечимининг бошланишига айланади.

Вилоятда математика, физика, кимё, биология ва биотехнология, фармацевтика, археология ва Бухоро тарихи, тилшунослик, сунъий интеллект, қишлоқ хўжалиги, экология, иқтисодиёт, тиббиёт ва Ибн Сино мероси бўйича доимий илмий мактабларни шакллантириш мумкин. Академия институтлари билан ҳамкорлик докторантларга замонавий лаборатория ва манбалардан фойдаланиш, қўшма илмий раҳбарлик, семинар ва экспедицияларда қатнашиш имконини беради. Университет профессор-ўқитувчилари учун эса республика илмий мактаблари билан доимий алоқа, тадқиқот сифатини ошириш ва натижани амалиётга чиқаришнинг янги йўлини очади.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги олтиетти йилда вилоятдаги барча олий таълим муассасалари, хусусан, Бухоро давлат университети, Бухоро давлат техника университети, Бухоро давлат тиббиёт институти ва Бухоро давлат педагогика институтининг вилоят ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги иштироки сезиларли даражада кучайди. Бухоро давлат университети ҳудуд учун сифатли кадрлар тайёрлайдиган, аҳоли кайфияти ва эҳтиёжларини социологик сўровлар орқали ўрганадиган, иқтисодий, ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий ҳамда маданий саводхонликни оширадиган, ёшлар бандлигига кўмаклашадиган катта интеллектуал жамоа ҳисобланади. Айниқса, профессор-ўқитувчиларнинг маҳалла ва туманлардаги маърифий тарғибот ишлари аҳоли билан давлат ислоҳотлари ўртасида ишончли маърифий кўприк бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратайлик!” бош ғоясининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида тарғибот тадбирлари ўтказилаётгани, қолаверса, ўттиздан ортиқ китоблар, монография, ўқув қўлланма, аудио ҳамда видеомаҳсулотлар тайёрлаш режалаштирилгани муҳим аҳамиятга эга.

Сифатли маълумот, кучли таҳлил ва илмий ёндашув

Бухоронинг бугунги тараққиёти ва келгуси ривожланиш суръатлари нафақат мавжуд иқтисодий ҳамда табиий салоҳиятдан самарали фойдаланишга, балки ҳар бир муҳим қарорни аниқ маълумот, чуқур таҳлил ва илмий ёндашув асосида қабул қилишга ҳам боғлиқ.

Бугун ҳудуд олдида турган сув ҳамда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экологик барқарорликни таъминлаш, туризм салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, саноат ва қишлоқ хўжалигида самарадорликни ошириш, аҳоли саломатлиги, меҳнат бозори ҳамда ёшлар бандлиги каби масалалар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, уларни анъанавий ёндашувлар билан ҳал этиш зарурати мавжуд. Шу боис ҳудуднинг илмий салоҳияти, олий таълим муассасалари, Фанлар академияси ва давлат бошқаруви органлари имкониятларини бир нуқтада бирлаштириб, муаммоларни олдиндан кўра билиш, уларнинг сабаб ҳамда оқибатларини илмий асосда ўрганиш ва амалий ечимларни ишлаб чиқишга хизмат қиладиган янги институтга эҳтиёж мавжуд.

Бундай ёндашув илм-фанни фақат назарий билим манбаи эмас, балки ҳудудий ривожланишнинг амалий воситасига айлантириш, олимлар, давлат органлари, тадбиркорлар ва жамоатчилик ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини беради. Ана шу нуқтаи назардан, Бухорода доимий фаолият юритадиган ҳудудий “ақл маркази”ни ташкил этиш — мавжуд муаммоларга фақат бугунги кун нуқтаи назаридан эмас, балки уларнинг эртанги таъсирини ҳам ҳисобга олган ҳолда ечим излашга қаратилган муҳим қадамдир.

Эътиборлиси, “ақл маркази” олимнинг ишини идорага, идоранинг буюртмасини лабораторияга, тадбиркорнинг муаммосини технологик ечимга, аҳоли эҳтиёжини эса асосланган қарорга боғлайди. Бу — ривожланган давлатлар тажрибасининг асосий қоидаси, яъни тараққиёт тасодифий қарорлардан эмас, сифатли маълумот, кучли таҳлил ҳамда илмий ёндашувдан бошланади.

Президентимизнинг “Сифатли олий таълим, ривожланган илм-фан — мамлакатни қудратли, миллатни буюк қилувчи куч”, деган фикри ҳудудий “ақл маркази”нинг ҳам бош мезони бўлиши лозим. Бундай марказ фақат таҳлилий маълумот тайёрлаб қолмасдан, сифатли кадр, ишончли илмий хулоса ва амалиётга татбиқ этилган ечимлар орқали ҳудуд ривожига салмоқли натижа олиб кириши шарт.

Мулоқотнинг амалий мезони

Академикларнинг Бухорога ташрифининг ҳақиқий самараси имзоланган меморандумлар сони билан белгиланмайди, аксинча, бошланган қўшма лойиҳалар, ташкил этилган илмий мактаблар, ечим топган ҳудудий муаммолар ва тарбияланган ёш олимлар билан ўлчанади.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, тараққиёт ва юксалишга фақат илм, таълим ва тарбия, китоб орқали эришиш мумкин. Ушбу ҳаётий даъват Бухорода бошланган мулоқотнинг ҳам амалий мезонидир.

Демак, Президентимизнинг илм-фанга юксак эътибори мамлакатда янги муҳитни шакллантирди. Яъни энди қайси соҳа бўлмасин, барқарор натижа илмий ёндашувсиз келмаслиги очиқ англанмоқда. Бухорои шарифнинг тарихий миссияси ҳам шунда — илмий меросни фақат музейда сақлаш билан чекланмасдан, уни бугунги ҳаётга хизмат қилдиришга ундайди.

Агар Фанлар академиясининг салоҳияти, вилоят бошқарувининг амалий эҳтиёжи ҳамда Бухоро давлат университетининг кадрлар ва тадқиқот имконияти бир мақсад йўлида бирлашса, Бухоро илм-фан маскани сифатида янги қиёфа очишда давом этаверади. Чунончи, илм кучли бўлса ҳудуд залвари янада кучаяди. Бу манзиллар илмий асосда ривожланса, Янги Ўзбекистон тараққиёти мустаҳкам қадамлар билан юксалаверади.

Обиджон ҲАМИДОВ,
Бухоро давлат университети ректори, профессор.

Эътироф

Ёш географ халқаро олимпиада шоҳсупасида

Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган 22-халқаро география олимпиадаси (“iGeo-2026”)да мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси — Фарғона шаҳридаги Президент мактаби ўқувчиси Яҳё Ҳакимжонов ғолиблар қаторида шоҳсупага кўтарилиб, бронза медалига сазовор бўлди.

Дунёнинг 50 га яқин мамлакатларидан 184 нафар ёш географ қатнашган нуфузли мусобақада ғолиблар ёзма тест, мультимедиа синови ҳамда дала амалиёти машғулотлари бўйича аниқланди. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Халқаро география иттифоқи (IGU) ҳомийлигида уюштириладиган ушбу мусобақада 16 — 19 ёш оралиғидаги географлар қатнашади. Мазкур мусобақа фан олимпиадасига тенглаштирилган ҳамда унинг ғолиб ва совриндорлари шу даражада эътироф этилиши белгиланган.

Демак, Яҳё Ҳакимжонов 16 — 19 ёш тоифасида дунёнинг энг кучли уч нафар географи сирасига кирди. Бу кувонишга арзийдиган натижа, албатта.

— Янги ўқув йилидан Яҳёбек 10-синфда ўқишини давом эттиради, — дейди Фарғона шаҳридаги Президент мактаби директори Обидхон Мўминов. — У барча фанларни аъло баҳоларга ўқиши билан тенгдошлари ва устозлар ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонган. Келажакда бу йилги битирувчимиз Дилафруз Собирова сингари дунё олийгоҳлари рейтингида биринчи ўринда турувчи АҚШнинг Гарвард университетида ўқишни мақсад қилган.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

Интилиш

Стартап ғоя катта бизнесга айланди

Замонавий технологиялар ва ёшларнинг шижоати бирлашса, энг мураккаб соҳаларда ҳам катта бурилишлар юз беради. Пахтакор туманида истиқомат қилаётган 20 ёшли тадбиркор яратган инновацион лойиҳа бунинг яққол мисоли.

У йўлга қўйган “B2B”, яъни компания ёки тадбиркор ўз маҳсулоти ёхуд хизматини бошқа тадбиркорларга сотиш онлайн улгуржи савдо платформаси анъанавий савдодаги узун воситачилик занжирига чек қўйиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни дўконлар, маркетлар ва супермаркетлар билан тўғридан-тўғри боғлашга асосланган.

— Бугунги кунда дўкон эгаси ёки ишлаб чиқарувчи вақт ва ортиқча харажат катта бойлик эканини яхши билади, — дейди ёш стартапчи Рустам Сайфиддинов. — Аввалари маҳсулот ишлаб чиқарувчидан растага етиб келгунча бир нечта воситачилар қўлидан ўтар, бу эса нархнинг сунъий ошишига ва етказиб бериш вақтининг узайишига олиб келар эди. Биз яратган рақамли платформа куннинг исталган дақиқасида икки томонни бир-бири билан боғлайди, натижада етказиб бериш жараёни соддалашади, тадбиркорларнинг ҳам вақти, ҳам маблағи тежалади.

Ҳозирда 5,8 млрд. сўмдан зиёд шартномалар ва савдо айланмасини ташкил қилган мазкур платформа, асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари йўналишида хизмат кўрсатмоқда. Иқтидорли тадбиркорнинг таъкидлашича, яқин истиқболда платформага маиший техника ва фармацевтика маҳсулотларини ҳам жалб этиш, савдо тизимини нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё бозорига олиб чиқиш ва минтақавий рақамли хабга айлантириш кўзда тутилган.

Жиззахлик ёш тадбиркорнинг интилиши ва эришаётган натижалари юртимизда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг амалий мевасидир.

Толибжон ЭРГАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Бунёдкорлик

ОБОДЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ОШИЁНИ

Булоқбоши туманининг Найман маҳалласи “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” дастурига киритилиши натижасида ушбу маскандаги 740 та хонадонда яшовчи 4 800 нафардан зиёд аҳоли учун инфратузилмани яхшилашга қаратилган ишлар бошланди.

— Қисқа муддатда маҳалладаги 6 километр ички йўлга асфальт ётқизилди, 500 метр ичимлик суви тармоғи тортилди, яна 500 метр ариқ бетонлаштирилди, — дейди “Найман” МФЙ раиси Илёсбек Янгибоев. — Айни пайтда 4 километр замонавий СИП-кабелларини монтаж қилиш давом этмоқда. Маҳалла идораси қайта қурилиб, фойдаланишга топширилгани туфайли “маҳалла еттилиги” ва фуқаролар учун ҳам қулай шароит яратилди. Ҳудуддаги ишларнинг ҳақиқий самараси қурилиш ҳажми билан эмас, балки одамлар ҳаётини қай даражада енгиллаштираётгани билан ўлчанади.

Эътиборлиси, маҳалла аҳлида ободонлаштиришга бўлган масъулият ва дахлдорлик туйғуси ортмоқда. Дастур доирасида амалга оширилаётган ишларга жавобан найманликлар уюшқоқлик билан ҳашарлар ўтказиб, ўз кўчаларини обод ва кўркамлаштиришга ҳисса қўшмоқда. Инсон ўз маҳалласидаги ўзгаришни кўриб, уни янада яхшилашга ҳаракат қилса, бунёдкорлик ишлари бир лойиҳа билан чекланиб қолмай, одамларнинг ҳаёт тарзига сингиб боради.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Қулайлик

Манзилларни яқинлаштирган иншоот

Уйчи тумани ҳудудидан ўтган Норин дарёси устида қуриб битказилган янги кўприк кейинги йилларда Наманган вилоятида амалга оширилган йирик лойиҳалардан бири бўлди. Бу маҳобатли иншоот Уйчи, Учқўрғон ва Норин туманларини Наманган шаҳри билан боғловчи янги транспорт йўналишининг муҳим қисми сифатида алоҳида аҳамият касб этади.

— Умумий узунлиги 17,5 километр янги автомобиль йўли қурилишининг биринчи босқичида ушбу кўприк барпо қилинди, — дейди Наманган вилояти Автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи Дилшодбек Сайфиддинов. — Бу йўлнинг бунёд этилиши натижасида транспорт тирбандликлари ва келгусида юзага келиши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисалари олди олиниб, юздан зиёд маҳаллаларда яшовчи аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига янада қулайлик яратилади. Шу пайтгача Учқўрғон туманига, асосан, Наманган шаҳри марказидан ўтадиган битта йўлдан борилар, бу эса масофанинг узоқлиги, ортиқча вақт ва харажат билан боғлиқ ноқулайликларни келтириб чиқарарди. Эндиликда Учқўрғон томондан қуриб келинаётган йўл кўприкка туташтирилгач, масофа 20 километрга қисқаради.

Лойиҳа қиймати 62 млрд. 713 млн. сўм бўлган кўприкнинг умумий узунлиги 481,5 метр, эни 15,1 метр. Қатнов қисми 7,5 метр кенгликда бўлиб, йўлнинг икки томонида 2 метрдан хавфсизлик тасмалари барпо этилган. Пиёдалар учун 1,8 метр кенгликдаги йўлаклар қурилиб, улар махсус панжаралар ва ғилдирак қайтаргичлари билан жиҳозланган.

Таъкидлаш жоизки, Норин дарёси устида барпо этилган янги кўприк транспорт имкониятларини кенгайтириши билан бирга, Наманганнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига ҳам салмоқли ҳисса қўшади.

Акрамжон САТТОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Олий таълим муассасаларида янги ўқув йили 1-босқич талабалари учун 7 сентябрдан, 2 ва ундан юқори босқич талабалари учун 14 сентябрдан бошланади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 19 387 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — С. Мамиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни —21.26 Топширилди — 23.40 1 2 3 4 5 6